

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

УСМОНЖОНОВА ХУЛҚАР УМАРКУЛОВНА

**ЎСИМЛИК ХОМ АШЁСИДАН ТАБИИЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ БЎЁҚЛАРИ
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Усмонжонова Хулкар Умаркуловна Ўсимлик хом ашёсидан табиий озиқ-овқат бўёқлари олиш технологиясини такомиллаштириш	3
Усмонжонова Хулкар Умаркуловна Совершенствование технологии получения натуральных пищевых красителей из растительного сырья	21
Usmonjonova Hulkar Umarkulovna Improving the technology of obtaining natural food colors from plant materials	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.	42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

УСМОНЖОНОВА ХУЛҚАР УМАРКУЛОВНА

**ЎСИМЛИК ХОМ АШЁСИДАН ТАБИИЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ БЎЁҚЛАРИ
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.4.PhD/T887 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-kimyo.nuu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Додаев Кўчқор Одилович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Абдурахимов Саидакбар Абдурахмонович
техника фанлари доктори, профессор

Мирзарахметова Дилбар Тохтамуратовна
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро муҳандислик-технологияси институти

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc 03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «10» 08 соат 11 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17; e-mail: teti_info@edu.uz.) Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (110 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч., 32. Тел.: (99871) 244-79-20.

Диссертация автореферати 2021 йил «20» 07 кун тарқатилди.
(2021 йил «20» 07 даги № 26 рақамли респ. баённомаси).



С.М. Туробжонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.И. Қодиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., доцент

Ҳ.С. Нурмухамедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё миқёсида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясининг ривожланиши натижасида озиқ-овқат кўшимчаларига бўлган эҳтиёж янада ортади. Бугунги кунда маҳсулотга кўшиладиган бўёқлар ранг кўрсаткичларини яхшилаш, жозибadorлигини ошириш, истеъмолчиларни жалб қилиш мақсадида қўлланилади ва уларнинг асосий қисмини синтетик ва ўсимлик бўёқлари ташкил қилади. Шу билан бирга табиий бўёқлар кўшиб, озиқ-овқат маҳсулотларининг органолептик кўрсаткичларини яхшилаш, маҳсулотнинг озиқавий қийматини ошириш, хавфсиз ва табиий бўёқлар олиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда озиқ-овқат саноатида витаминлар, микро- ва макроэлементларга бой табиий озиқ-овқат бўёқлари ишлаб чиқариш ва бошқа турдош тармоқларни ривожлантириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, ўсимлик хом ашёларидан табиий озиқ-овқат бўёқлари олиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш, озиқавий хавфсизлигини таъминлаш, биологик қиммати ва жозибadorлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда озиқ-овқат саноатида мева-сабзавотларни сақлаш ва уларни қайта ишлаш, экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар саноат миқёсида жорий этилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хом ашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш»¹ муҳим вазифалари белгилаб берилган. Бу борада хом ашё манбаларини миқдор ва самарadorлигини баҳолаб, мавжуд технологияларга жиддий янгилик киритиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, юқори сифатли маҳсулот олиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг табиий хоссаларини сақлаб қолиш, асосий хом ашёларни тежаш, табиий хом ашё ва маҳсулотлардан самарали фойдаланиш, тайёр маҳсулот таннархини камайтириш ҳамда озиқ-овқат ишлаб чиқариш корхоналарини табиий бўёқлар билан таъминлашни ривожлантириш ва кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303-сон "Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора тадбирлари тўғрисида"ги, 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сон "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, жумладан мева ва сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш, уларнинг истеъмол меъёрларини талаб даражасига етказиш ҳамда турли ярим фабрикатлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари ва 2019 йил 14 мартдаги ПҚ-4239-сон

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги Фармони.

“Мева сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалик кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишини устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бўёкли хом ашё, мева-сабзавот, резаворлар, полиз маҳсулотлари ва зираворларни қайта ишлашдаги иккиламчи хом ашёдан озик-овқат бўёқлари олиш технологиялари бўйича Tomson, Zeykel, Harborn, Olston, Nashe, Sigelman, Wollen, Stodol, Jekson, Krukshank, Horovits, В.К.Гинс, В.М.Болотов, А.В.Зубченко, Г.О.Магомедов, С.Я.Корячкина, О.А.Лупанова, Е.В. Алексеенко, Е.В.Комарова, Е.В.Красникова, О.С.Содиқов, З.Б.Рахимхонов, А.К.Каримжонов, А.И.Исмоилов, С.К.Атхамова, С.Мавлонов, Ш. Исломбеков каби етакчи олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган.

Улар томонидан мева-сабзавотлар, резаворлар ва ўсимлик хом ашёларидан озик-овқат бўёқлари олиш технологияси такомиллаштирилган, табиий бўёқларнинг органолептик, физик-кимёвий, микробиологик хоссаларига таъсири баҳоланган ҳамда озикавийлик қиймати ва сифати тадқиқ этилган.

Шу билан бирга табиий бўёқ моддалар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ва жорий этишда хом ашёни биологик ва озикавий қимматини тўла сақлаб, енгил иссиқлик ишлови бериш, улардан маҳсулотлар тайёрлашда самарали фойдаланиш ҳамда хавфсизлигини ошириш, консерва саноати ва умумий овқатланиш корхоналари учун яримфабрикат тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириб, маҳсулот тайёрлаш жараёнини осонлаштириш, жиҳозлар унумдорлигини ошириш ва ишчи кучи, энергия сарфи, вақт меъёридан самарали фойдаланишга эришиш ҳам талаб этилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ОТ-А12-20 «Ўсимлик хом ашёсини қайта ишлашдаги чиқитлардан биологик фаол қўшимчаларни комплекс олиш технологиясини такомиллаштириш» (2017-2018 йй) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўсимлик хом ашёсидан табиий озик-овқат бўёқлари олиш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўсимлик хом ашёси ва иккиламчи маҳсулотларидаги бўёқ моддалар таркибини ўрганиш ва таснифини шакллантириш;

бўёқ моддалар тутган райҳон ва амарант ўсимлигининг хом ашёларини экстракциялаш жараёнини тажриба йўли билан ўрганиш;

олинган бўёқ моддалар экстрактларининг кимёвий таркиби ва хоссаларини

тадқиқ этиш;

ўсимлик хом ашёларидан олинган табиий бўёқ модданинг хавфсизлиги мезонларини белгилаш ва чегаравий рухсат этилган концентрациясини таъминлаш;

ўсимлик хом ашёсидан бўёқ моддалар ажратиб олиш технологик тизимининг принципиал схемасини ишлаб чиқиш;

табиий бўёқлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш, озик-овқат ва умумий овқатланиш корхоналари тизимида қўллаш, ишланма иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маҳаллий шароитда етиштирилган мева ва резаворлар, озик-овқат иккиламчи хом ашёси, бўёқ модда сақлаган ўсимликлар, тайёрланган бўёқ модда экстракт ва концентрати олинган.

Тадқиқотнинг предметини бўёқ сакловчи ўсимликлар, маҳаллий мева ва резаворлар, уларни қайта ишлашда ажратилган иккиламчи хом ашёдан бўёқ моддаларни экстракциялаш жараёни, экстракт хоссалари, хавфсизлиги, ишлаб чиқаришни шакллантириш имкониятлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда органолептик кўрсаткичларини баҳолаш Е.Д.Тильгнернинг модификацияланган усулида, умумий углеводлар миқдорини аниқлаш Дюбуа, оксил миқдорини аниқлаш Лоури, С витаминини миқдорини аниқлаш йодометрик усулда, бўёқ моддалар миқдорини аниқлаш фотометрик усулида амалга оширилган. Бўёқ моддалар экстрактининг микробиологик кўрсаткичларининг СанПиН 0366-19 талабларига мослиги текширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

райҳон ва амарант ўсимликларини экстракциялашда гидромодуль 1/7, экстрагентдаги лимон кислотасининг 1%, этил спирти миқдори 50% бўлганда, 20°C ҳароратда хом ашё таркибидаги бўёқ модданинг экстракцияланиш даражаси ортиши аниқланган;

райҳондан олинган бўёқ моддалар таркибида фруктоза 7,14, глюкоза 5,6 ва сахароза 6,82 мг/л, витаминлар В₁ - 273,04, В₂ - 265,70, В₁₂ - 526,32 ва В_с - 617,20 мг/л аниқланиб, табиий озик-овқат бўёқлари биологик фаол моддаларга бойлиги исботланган;

амарант ўсимлигининг *Amaranthaceae - Celosia cristata* L. навидан олинган бўёқ моддалар таркибида фруктоза миқдори 17,04, глюкоза 9,42 ва сахароза 7,21 мг/л ни, *Amaranthus cruentus* L. навида фруктоза миқдори 54,65, глюкоза 34,53 ва сахароза 19,8 мг/л ни ташкил этиши аниқланган;

ўсимлик хом ашёларидан олинган табиий бўёқ модданинг хавфсизлиги мезонларига мослиги ва чегаравий рухсат этилган концентрациядан камлиги аниқланган;

райҳон (*Occimum basilicum* L.) барглари ва Амарант ўсимлигининг *Amaranthus cruentus* L. ҳамда *Amaranthaceae-Celosia cristata* L. навлари гулларидан сув-спиртли экстракциялаш усулида озик-овқат бўёғи олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўсимлик бўёқ моддалари экстракти ва концентрати ишлаб чиқариш

линиясининг принципиал схемаси таклиф этилган;

Ўсимлик хом ашёси ва иккиламчи маҳсулотларидаги бўёқ моддалар таркиби таснифланган, райҳон ва амарант ўсимлиги хом ашёларини экстракциялаш жараёни тажриба йўли билан аниқланган;

бўёқ моддалар экстрактининг кимёвий таркиби ва хоссалари тадқиқ этилган;

Ўсимлик хом ашёларидан олинган табиий бўёқ моддаларнинг хавфсизлик мезонлари сифатида қабул қилинган параметрлари ПДК-дан кам эканлиги аниқланган;

корхонада озиқ-овқат бўёқ моддаларини олиш технологияси ишлаб чиқиш, консерва заводлари ва умумий овқатланиш корхоналари тизимида қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган, иқтисодий самарадолиги ҳисобланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги экспериментлар таҳлилида замонавий физик-кимёвий тадқиқот услублари, регрессион тенгламаларнинг аниқлиги ва уларни ҳақиқий жараёни адекват тарзда ифодалаганлиги, бўёқ моддаларни тайёрлаш технологияларини амалиётга жорий этиш бўйича инновацион ишланмалар рўйхатига киритилган

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўёқ модда тутган мева-сабзавот, резаворлар, саноат иккиламчи хом ашёсидан бўёқ моддаларни экстракция усулида ажратиб олиш, тозалаш ва қуюлтириш жараёнларининг илмий асосининг яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бўёқ моддаларнинг органо-лептик ва физик-кимёвий хоссалари, микробиологик ҳолати ва озиқавий хавфсизлиги текширилганлиги, истеъмолга тайёр бўёқлардан озиқ-овқат саноати ҳамда умумий овқатланиш тармоғида фойдаланиш тавсия этилганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўсимлик хом ашёсидан озиқ-овқат бўёқлари олиш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўсимлик хом ашёсидан экстракциялаш усулида озиқ-овқат бўёғи олиш технологияси Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмасининг «2021–2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмаси»нинг 2021 йилнинг 11 мартдаги 11-26/03-21-сон маълумотномаси). Натижада, микро- ва макроэлементлари сақланган, истемол учун хавфсиз бўлган бўёқлар олиш имконини берган;

амарант гулидан озиқ-овқат бўёғи олиш технологияси Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмасининг «2021–2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмаси»нинг 2021 йилнинг 11 мартдаги 11-26/03-21-сон маълумотномаси). Натижада, биологик фаол моддаларга бой, углеводлар миқдори 17,1 - 54,5 мг/кг бўлган, алкалоидлар, оғир металллар ва уларнинг тузлари меъёрларга мос келувчи бўёқлар олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та, шу жумладан, 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида

муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий иш Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларни чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларида 4 та мақола, жумладан 2 та республика ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 119 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабий шарҳ. Бўёқ манбаи бўлган ўсимликлар тўғрисида маълумотлар**» деб номланган биринчи бобида озиқ-овқат бўёқлари, турлари ва озиқ-овқат саноатидаги ўрни, аҳамияти, бажарадиган вазифалари, органолептик хусусиятлари, озиқавий қиммати ҳамда бу кўрсаткичларга таъсир этувчи хом ашё хоссалари ва технологик омиллар таҳлил қилинган. Озиқ-овқат бўёқлари олишда қўлланиладиган хом ашёларнинг таркибий қисми ўрганилган.

Алоҳида ўсимликлар, қайта ишлашдаги иккиламчи хом ашё асосида марказлашган ҳолда табиий бўёқ олиш технологияси ишлаб чиқишни ташкил этиш, уларни фойдаланиш соҳасини физик-кимёвий хоссалари асосида белгилаш, расмийлаштириш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган. Юқорида ўрганилган маълумотлар асосида тадқиқот мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот усуллари, реактив ва приборлар. бўёқларнинг кимёвий таркиби, физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ этиш, сифатини аниқлаш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тажрибалар давомида ишлатилган материаллар ва уларга қўйиладиган стандарт талаблар, тадқиқот объектлари ҳамда тадқиқот жараёни давомида қўлланилган услублар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот қисми. Лаборатория шароитида ўсимликлардан озиқ-овқат бўёқлари олиш**» деб номланган учинчи бобида тадқиқот объектлари –райҳон ва амарант ўсимлигидан олинган бўёқ моддалар экстрактлари ҳамда концентратларининг кимёвий таркиби ва хоссалари тадқиқ этилган. Лаборатория шароитида танланган ўсимлик бўёқ манбаларини барчасидан деярли бир хил кетма-кетликда экстракт ва концентрант олинган, таққослаш орқали энг самарали экстрагент танланди. Тадқиқотнинг асосий қисми 1/7 нисбатда олинган экстрактлар ва ВБҚ олинган концентратларнинг органолептик, физик-кимёвий ва бошқа хоссаларига тегишли. Табиий бўёқ моддалар олиш учун энг истиқболли хом ашёлардан райҳон ва амарант ўсимликларига алоҳида эътибор қаратилди.

Эритмалар ротор буғлатиш қурилмасида қуйилтирилди ва концентрат ҳолига келтирилди. Олинган ҳар бир экстракт ва концентрат таркибидаги қурук модда миқдори ГОСТ ИСО 2173-2013-да кўрсатилган аниқлаш усулида, кислоталилиги, зичлиги аниқланди, олинган натижалар 1-3 жадвалларда келтирилган.

1-жадвал

Райҳон баргидан олинган бўёқ модда экстракт ва концентрати кўрсаткичлари

Спиртли эритма, (%)	Солиштира оғирлиги, (кг/м ³)		Қурук модда миқдори, (%)		Эритма муҳити рН	
	экстракт	конц-т	экстракт	конц-т	экстракт	конц-т
10%	1,003	1,056	5,4	11,4	4,0	3,5
20%	0,985	1,063	6,2	18,5	4,0	3,3
30%	0,975	1,071	9,2	21,0	4,0	3,2
40%	0,960	1,075	14,6	21,4	4,0	4,5
50%	0,951	1,078	17,0	21,6	4,0	4,5
60%	0,945	1,085	21,0	15,8	4,2	4,5
70%	0,935	1,091	21,2	16,0	4,2	4,4

Таҳлил қилиб ўрганилган қонуниятлар: экстрагент таркибида спирт улуши ортиб (10-70%) бориши баробарида, солиштира оғирлиги камайди (1,003-0,935), райҳон хом ашёси экстрактдан олинган концентратнинг солиштира оғирлиги ортиб боради (1,056-1,091), қурук модда миқдори ортиб боради (5,4-21,2). Роторли вакуум-буғлатиш аппаратида олинган маҳсулот концентрацияси 11,4-21,6 оралиқда экспоненциал кўринишда ортиб борди.


Райҳон экстрактидаги қурук модда ҳисобланган эфир мойларининг буғланиши ҳамда комфора мойининг эритма юзида тўпланиб чиқиши туфайли концентрация ўсишининг кескин камайиши юзага келади. Эритма ва концентрат таркибидаги бўёқ моддаларнинг миқдори аниқланди. ФЭК-да 440, 490, 540 ва 590 нм тўлқин узунликларида концентрат таркибидаги табиий бўёқ моддалар миқдори нур ютишининг зичлиги - эритма ва концентрат таркибидаги бўёқ моддалар миқдорининг ўзгаришлари 1 ва 2-расмларда келтирилган.

1-расмда райҳон ўсимлиги баргининг таркибидаги табиий бўёқ моддани экстракциялаб олиш учун қўлланилаётган сув-спиртли эритма таркибидаги спирт концентрациясининг ўсиб бориши бўйича ўзгаришининг экспериментал олинган маълумот ёрдамида регрессион тенгламаси олинди.

$$Y = 1.7e-0.6 x^5 - 0.37 x^4 + 0.03x - 1.2 x^2 - 22 x - 1.6 e + 2 \quad (1)$$


Экстракт таркибидаги бўёқни экстракцияловчи эритма таркибидаги спирт миқдори 50%-га етганда бўёқ миқдори максимал кўрсаткичга етди ва 7%-ни ташкил этди. (2) регрессион тенглама ёрдамида чиқаётган бўёқ миқдорини ҳисоблаш имконияти вужудга келди. 2-расмда экстракт таркибида бўёқ миқдорининг 440-600 нм диапазонда ўлчанган кўрсаткичлари бўйича қурилган графикда экстракт таркибидаги бўёқнинг максимал миқдори ФЭК нинг 540 нм тўлқин узунлигига мос келади ва 1,47 г/л-га тенг.

$$Y = -3,1e-09 x^4 + 4,6 e-06 x^3 - 0,023 x^2 + 0,37x \quad (2)$$



1-расм. Концентрат таркибидаги бўёқ моддалар миқдори.

Олинган натижаларда антоцианлар миқдори 540 нм тўлқин узунлигида 1,47 г/л кўрсаткични берди. Шунингдек, райхон баргларида олинган бўёқ концентрати таркибидаги қанд ва витаминлар миқдори аниқланди. Олинган натижалар 2-жадвалда келтирилди.



2-расм. 440, 490, 540 ва 590 нм тўлқин узунликларида 50%-ли спирт эритмасида олинган экстрактларда нур ютилиш зичлиги.

2-жадвал

Райхон баргларида олинган концентрат таркибидаги углевод ва витаминлар миқдори

Кон-центрат	Углеводлар, мг/л			Витаминлар мг/л				
	Фруктоза	Глюкоза	Сахароза	В ₁	В ₂	В ₆	В ₁₂	В ₉
20%	5.94	-	-	27.52	341.67	-	-	-
30%	8.46	6.94	2.73	22.20	376.36	-	-	-
40%	9.12	4.76	4.59	274.40	375.40	-	524.17	651.40
50%	7.14	5.6	6.82	265.70	265.70	-	526.32	617.20

Олинган экстрактларнинг кислоталилиги, қуруқ модда миқдори, солиштирма зичлиги, экстракт таркибидаги бўёқ модда миқдори, концентрат таркибидаги углеводлар ва витаминлар миқдори умумий методикалардан фойдаланиб аниқланган. 20%-ли эритмада олинган бўёқ моддалар

экстрактивнинг таркибидаги фруктоза миқдори 5,94 мг/л бўлиб, 40%-ли экстрактда максимал қиймат 9,12 мг/л эга бўлди, 50% эритмада олинган бўёқ таркибидаги фруктоза миқдори 7,14 мг/л га тушди. Глюкоза миқдорининг ўзгариши ҳам худди шундай динамикага эга. Сахароза миқдори эритма таркибида спирт улуши ортиши бўйича ортиб борди. Бу эритманинг қуйи концентрациясида моносахаридлар миқдори нисбатан юқори эканлигини англатади. Қандлардан ташкил топган полимер занжир юқори концентрацияга эга бўлган спиртларда чўкади, яъни чўкиш полисахаридларнинг молекуляр массасига боғлиқ. Концентрат таркибидаги витаминлар миқдори ҳам 40% ва 50%-ли спирт эритмасида ортиқ экани, бу эса витаминларнинг органик эритувчиларга нисбатан сувда яхши эришини исботлайди.

Райҳон ўсимлиги баргларининг сув-спиртли экстрактларининг 20°C, 30°C, 40°C ва 50°C гача бўлган ҳароратларда олинган экстрактларнинг оптик зичлиги турли вақт оралиғида ўрганилди. 1%-ли лимон кислотаси қўшилган 50%-ли спиртли эритманинг мақбул экстрагент эканлигини аниқланди.


Райҳон барглари экстракти оптик зичлигига ҳароратнинг таъсири. Ҳароратнинг райҳон ўсимлиги баргларининг сув-спиртли эритмада олинган экстрактивнинг оптик зичлигига таъсирини ўрганиш натижалари 3-расмда келтирилган.

$$Y^1=1e009x^4+6,7e-007x^3-0,015x^2+0,017x+0,034 \quad (3)$$

$$Y^2=6,6e-012x^5-6e-009x^4+2e-006x^3-0,03x^2+0,021x+0,023 \quad (4)$$

$$Y^3=8,2e-012x^5-7,1e-0,09x^4+23e-006x^3-0,032x^2+0,021x+0,29 \quad (5)$$

$$Y^4=8,9e-012x^5-7,5e-009x^4+2,3e-006x^3-0,032x^2+0,021x+0,032 \quad (6)$$



3-расм. Экстракция жараёнининг самарадорлигига ҳароратнинг таъсири.

Райҳон ўсимлиги баргларининг сув-спиртли экстрактларининг 20°C, 30°C, 40°C ва 50°C гача бўлган ҳароратларда олинган экстрактларнинг оптик зичлиги турли вақт оралиғида ўрганилди.

Қуритилган райҳон барглари экстракти концентратлари таркибининг Na, Mg, P, Fe ва Cu микроэлементларига бойлиги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги оғир металллар ва токсик элементлар миқдори, масалан қўрғошин (Pb)нинг 5,0 мг/кг, мишьяк (As)нинг 3,0 мг/кг, кадмий (Cd)нинг 1,0 мг/кг –дан, яъни чекланган даражадан ошмаётганлигини ҳисобга олганда, инсон организми учун зарарсиз эканлиги аниқланди, натижалар 5-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Райҳон ўсимлигидан олинган концентратлар таркибидаги микро- ва макроэлементлар

Макро- ва макроэлементлар					
Элементлар	Экстрактда	Концентратда	Элементлар	Экстрактда	Концентратда
	мг/кг			мг/кг	
Бор (В)	4,09	5,397	Хром (Cr)	1,314	2,069
Натрий (Na)	20344,4	23913,56	Цинк (Zn)	4,70	2,33
Магний (Mg)	170,9	365,0	Мишьяк (As)	2,61	2,80
Фосфор (P)	1577,23	30457,29	Селен (Se)	0,880	0,935
Кальций (Ca)	3268,50	5521,5	Рубидий (Rb)	63,75	77,67
Темир (Fe)	179,79	306,2	Стронций (Sr)	296,09	664,4
Литий (Li)	21,190	27,668	Кадмий (Cd)	0,20	0,60
Алюминий (Al)	28,290	76,114	Кўрғошин (Pb)	1,77	3,26
Титан (Ti)	15,57	22,66	Никель (Ni)	0,285	0,187
Кобальт (Co)	0,54	0,55	Молибден (Mo)	0,741	0,497
Мис (Cu)	29,70	52,75			

Кейинги босқичда амарант ва ундан олинган бўёқ моддалар экстрактларининг кимёвий таркиби ва хоссалари тадқиқ этилди.

Эритма қуйилтириш учун вакуумли ротор буғлатиш аппаратида концентрат ҳолига келтирилди ва физик-кимёвий кўрсаткичлари аниқланди. Қуйилтирилган эритма таркибидаги бўёқ моддалар миқдори 4-жадвалга киритилди.

4-жадвал


Эритма концентратининг физик-кимёвий кўрсаткичлари

№	Амарантнинг турли навларининг экстрактлари	Солиштирма оғирлиги, кг/м ³	Курук модда миқдори	рН кўрсаткичи	540 нм спектрдаги бўёқ моддалар миқдори, г/л
1.	<i>Amaranthus hypochondriacus</i> L.	0,997	9,2	4,3	3,9
2.	<i>Amaranthus tricolor</i> L.	1,000	9,4	4,4	4,3
3.	<i>Amaranthus cruentus</i> L.	0,997	9,5	4,5	4,7
4.	<i>Amaranthaceae-Celosia cristata</i> L.	1,000	10,0	4,4	4,9

Олинган натижаларга кўра концентрат таркибидаги бўёқ модда миқдори *Amaranthus cruentus* L ва *Amaranthaceae-Celosia cristata* L навларида бошқа навларга нисбатан кўплиги аниқланди ва кейинги босқичда ушбу навларнинг гуллари бўёқ олиш жараёнини тадқиқ ўтказиш учун танлаб олинди.

4-расмда *Amaranthus cruentus* L. ўсимлиги экстракти таркибидаги бўёқ миқдорининг экстракцияловчи эритма таркибидаги спирт миқдори 50%-га етганда ўлчанган бўёқ миқдори максимал кўрсаткичга етди ва 4,7 г/л-ни ташкил этди.

$$y = - 4.2e-08 \cdot x^5 + 7.7e-06 \cdot x^4 - 0.00049 \cdot x^3 + 0.011 \cdot x^2 + 0.072 \cdot x - 0.024 \quad (7)$$




4-расм. *Amaranthus cruentus L.* ўсимлиги концентратини 540 нм тўлқин узунлигида нур ютилиши зичлиги – концентрат таркибидаги бўёқ моддалар миқдори.

Концентрат таркибидаги бўёқ моддалар миқдори ўрганиш натижалари 5-расмда келтирилган. *Amaranthaceae-Celosia L.* ўсимлик гуллари таркибидаги табиий бўёқ моддани экстракциялаб олиш учун қўлланилаётган спиртли эритма таркибидаги спирт концентрациясининг ўсиб бориши бўйича ўзгариши экспериментал олинган маълумот ёрдамида олинган регрессион тенгламаси қуйидаги кўринишга эга:

$$y = -1,7e-07 \cdot x^4 + 3,4e-05 \cdot x^3 - 0,0036 \cdot x^2 + 0,21 \cdot x - 0,039 \quad (8)$$

Amaranthaceae-Celosia L. ўсимлиги экстракти таркибидаги бўёқ миқдорининг экстракцияловчи эритма таркибидаги спирт миқдори 50%-га етганда 540 нм тўлқин узунлигидаги максимал бўёқ миқдори 4,9 г/л-ни ташкил этди.




5-расм. *Amaranthaceae-Celosia cristata L.* ўсимлиги концентратларининг таркибидаги бўёқ моддалар миқдори.

Амарантдан бўёқ модданинг экстрактланишига жараён давомийлигининг таъсири ўрганилди, 50% сув-спиртли эритма 20 минутдан 18 соатгача бўлган вақт оралиғида концентрат таркибидаги бўёқ моддалар миқдорини максимал даражада экстракциялади, натижалар 6-расмда келтирилган.

6-расмда *Amaranthus cruentus L.* ўсимлиги экстрактининг концентрати таркибидаги бўёқ миқдори 6 соатда максимал кўрсаткичга етди ва 4,7 г/л-ни ташкил этди. Экстракция вақтининг ўзгариши бўйича экспериментал олинган

маълумот ёрдамида олинган регрессион тенгламаси қуйидаги кўринишга эга.


$$y = 9.1e-13 \cdot x^5 - 1.5e-09 x^4 + 9e-07 \cdot x^3 - 0.00029 \cdot x^2 + 0.054 \cdot x - 0.031 \quad (9)$$



6-расм. *Amaranthus cruentus L.* ўсимлик гулларини сув-спиртли экстрактини оптик зичлигининг вақт бўйича ўзгариши.

Amaranthaceae-Celosia cristata L. ўсимлиги экстрактининг концентратидаги бўёқ модда миқдори 6 соатда максимал кўрсаткич - 4,9 г/л -ни ташкил этди (7-расм).

$$y = -1.7e-12 \cdot x^5 + 9.9e-10 \cdot x^4 + 1.2e-07 \cdot x^3 - 0.0002 \cdot x^2 + 0.053 \cdot x + 0.017 \quad (10)$$



7-расм. *Amaranthaceae-Celosia cristata L.* ўсимлик гулларини сув-спиртли экстрактини оптик зичлигининг вақт бўйича ўзгариши.

Amaranthus cruentus L. ва *Amaranthaceae-Celosia cristata L.* навларининг сув-спиртли эритманинг турли концентрациясида бўёқ модда миқдорининг ошиши ўрганилди, натижалари 5-жадвалда келтирилди.

Сув-спиртли эритманинг концентрацияси ошиб бориши натижасида хом ашёдаги бўёқ миқдорининг ошиши кузатилмоқда, эритма концентрацияси 10-дан 50%-гача ортиб бориши бўйича антоциан миқдори 1.25 г/л-дан, 4.7 г/л –гача ортиб борганлиги кузатилди. Бундан кўришиб турибдики, *Amaranthus cruentus L.* экстракти учун 50% сув-спиртли эритма мақбул натижа берди. Эритмадаги спирт миқдорини янада ошириб бориш ижобий натижа бермайди.

5- жадвал

***Amaranthus cruentus L.* ва *Amaranthaceae-Celosia cristata L.* экстрактида бўёк модда микдорининг ўзгариши**

Спиртли эритма, %	Оптик зичлик бўйича бўёк микдори, г/л			
	<i>Amaranthus cruentus L.</i>		<i>Amaranthaceae - Celosia cristata L.</i>	
	г/л	%	г/л	%
10	1,25	3,75	1,57	4,71
20	3,21	9,63	3,38	10,14
30	3,76	11,28	3,60	10,80
40	4,30	12,90	4,51	13,5
50	4,7	14,1	4,91	14,7
60	4,7	14,1	4,91	14,7
70	4,7	14,1	4,91	14,7

Amaranthaceae-Celosia cristata L. навида ҳам спиртли эритманинг концентрацияси ошириб борилганда, юқоридагига ўхшаш натижа кузатилди. Жараён давомида 10% ли эритмада 1.57, 50% эритмада эса 4.91 г/л бўёк моддаси борлигини кўрсатди. Ушбу ўсимлик учун 1% лимон кислотаси қўшилган сув-спирт эритмасининг мақбул концентрацияси 50%-ни ташкил этди.

Amaranthus cruentus L. ва *Amaranthaceae-Celosia cristata L.* навларининг углеводлар, макро- ва микроэлементлар микдори аниқланди ҳамда токсик хусусиятлари ўрганилди (6-жадвал). Бу навлардан олинган концентрат-ларнинг кислоталилиги $pH \sim 4,3-4,33$ оралиқда ўзгариши аниқланди.

6-жадвал

Амарант концентрати таркибидаги микро- ва макроэлементлар микдорининг таҳлили

Элементлар	Amaranthus cruentus L.	Amaranthaceae-Celosia cristata L.	Элементлар	Amaranthus cruentus L.	Amaranthaceae-Celosia cristata L.
	мг/кг			мг/кг	
Бор (В)	-	1,598	Хром (Cr)	0,180	0,586
Натрий (Na)	0,751	13,526	Рух (Zn)	-	0,138
Магний (Mg)	102,321	453,719	Мишьяк (As)	0,018	0,025
Фосфор (P)	20,842	406,283	Селен (Se)	0,015	0,058
Кальций (Ca)	-	-	Рубидий (Rb)	0,484	0,869
Марганец (Mn)	0,383	3,621	Стронций (Sr)	0,163	0,317
Темир (Fe)	2,236	3,056	Кадмий (Cd)	-	0,005
Литий (Li)	0,059	0,096	Қўғошин (Pb)	0,016	0,018
Алюминий (Al)	-	-	Никель (Ni)	0,051	0,022
Титан (Ti)	0,002	-	Молибден (Mo)	-	-
Кобальт (Co)	0,029	0,262	Олтингугурт (S)	139,650	189,444
Мис (Cu)	2,399	1,362			

Амарант ўсимлигидан олинган бўёк моддаларга концентрати таркибида углеводларнинг ўртача микдори 17,1-54,5 г/л-гача бўлиши аниқланди. *Amaranthus cruentus L.* ва *Amaranthaceae-Celosia cristata L.* экстракти концентратлари таркибининг Na, Mg, P, Fe ва Cu микроэлементларига бойлиги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги оғир металллар ва токсик элементлар микдори, масалан қўғошин (Pb)-нинг 0,0018 мг/кг, мишьяк (As)-нинг 2,8 мг/кг, кадмий (Cd)-нинг 0,005 мг/кг -дан, яъни чекланган даражадан

ошмаслигини ҳисобга олганда, инсон организми учун зарарсизлиги аниқланди.

Табиий бўёқ модданинг хавфсизлигига таъсир этувчи омиллар ўрганилди. Табиий бўёқ моддалар таркибига ҳам ашёда мавжуд бўлган алколоидлар, оғир металллар ва уларнинг тузлари, айрим пайтда пестицид ва гербицидлар, кимёвий корхоналарга яқин ҳудудда жойлашган ҳам ашё етиштириш майдонларида кимёвий захарли ёки инсон соғлиғи учун хавфли моддалар ўтиши мумкин. Экологик тоза, хавфсизлиги таъминланган бўёқ моддалар олишда ушбу хавф манбалари назорат қилинади.

Алколоидлар миқдорини аниқлаш усуллари уларни чўктириш, оксидлаш, асос сифатида нейтраллаш ҳамда турли рангдаги бирикмалар ҳосил қилишга асосланган бўлиб, уч босқичда амалга оширилади:

1. Алколоидларни маҳсулотдан эритувчилар ёрдамида ажратиб олиш.
2. Алколоидларни турли аралашмалардан тозалаш.
3. Тоза алколоидлар миқдорини турли усуллар билан аниқлаш.

Райҳон ва амарант бўёқ моддалари таркибидаги оғир ва захарли моддалар миқдорини назорат қилиш тартиби ўрганилди.

Хавфсизлик даражаси бўйича оғир металллар 3 синфга бўлинади:

- I. Синф (юқори хавфли) - симоб, кўрғошин, кадмий, мышьяк, селен, рух;
- II. Синф (ўрта хавфли) - бор, кобальт, никель, молибден, сурьма, хром;
- III. Синф (кам хавфли) - барий, ванадий, марганец, вольфрам, стронций.

Олинган экстракт ва концентрат таркибидаги оғир металллар миқдори ушбу синфлар кесимида аниқланди ва ЧРЭК солиштирилди. Райҳоннинг экспериментда ўрганилган навида мишьякнинг экстрактдаги миқдори 2,6; концентратда 2,8 мг/кг чиқди, ЧРЭК-да 3,0 мг/кг. Амарант экстрактида ҳам ЧРЭК-дагидан кам эканлиги аниқланди.

Амарант ўсимлигининг гулларида ажратиб олинган бўёқ моддалар концентратининг токсикологик хусусиятлари лаборатория шароитида ўрганилди. Ўткир токсик таъсир кўрсаткичларни ўрганиш натижасида ҳар иккала *Amaranthus cruentus L.* ва *Amaranthaceae-Celosia cristata L.* навлари зарарсиз моддаларнинг 4-синфига кириши маълум бўлди, яъни зарарсизлиги қайд этилди.

7-жадвал

Амарант гулидан олинган бўёқнинг токсик хусусиятларини таҳлил қилиш натижалари

Amaranthus cruentus L.		Amaranthaceae-Celosia cristata L.	
Доза, мг/кг	Ҳалок бўлган жонворлар миқдори / жами	Доза, мг/кг	Ҳалок бўлган жонворлар миқдори / жами
5000	0/6	5000	0/6
10000	0/6	10000	0/6
15000	0/6	15000	0/6
ЛД ₅₀ >15000 мг/кг		ЛД ₅₀ >15000 мг/кг	


Райҳон ўсимлиги *Occimum basilicum L.* ва амарант ўсимлигининг *Amaranthus cruentus L.* ҳамда *Amaranthaceae-Celosia cristata L.* навларидан олинган бўёқ моддалари концентратининг органолептик кўрсаткичлари тадқиқ этилди. Олинган бўёқ моддаларнинг ранги шаффоф қизил, бегона хид ва таъмлардан холи эканлиги аниқланди.

**Райҳон ва амарант ўсимликларидан олинган бўёқ моддалари
концентратининг органолептик кўрсаткичлари**

Маҳсулот номи	Ранги	Консистенцияси	Ҳиди	Таъми
Райҳон ўсимлиги (<i>Occimum basilicum L.</i>)	Шаффоф, қизил	Оқувчан	Райҳон ўсимлигининг ўзига хос хушбўй ҳиди бироз сақланган	Бегона таъмлардан холи, райҳоннинг ўзига хос таъми бироз сақланган
Амарант ўсимлиги (<i>Amaranthus cruentus L.</i>)	Шаффоф тўқ қизил	Оқувчан	Бегона ҳидлардан холи	Амарантнинг ўзига хос таъми бироз сақланган
Амарант ўсимлиги (<i>Amaranthaceae-Celosia cristata L.</i>)	Шаффоф тўқ қизил	Оқувчан	Бегона ҳидлардан холи	Амарантнинг ўзига хос таъми бироз сақланган

8-расмда ўсимлик хом ашёси ва иккиламчи материалдан бўёқ моддалар олишнинг принципиал схемаси келтирилган.

Табиий бўёқларни кимёвий тузилиши бўйича флавоноидлар, беталаинлар, хинонлар, халкон ва оксикетонлар, каротиноидлар, рибофлавинлар, индигоидлар, порфиринларга таснифланишини, уларнинг ўсимлик гули, меваси, барги, танаси, пўстлоғи, илдизиди шаклланганлигини ҳисобга олган ҳолда айрим элементлари билан фарқ қилувчи ягона технологик линиясини шакллантирилди.



8-расм. Ўсимлик хом ашёсидан бўёқ моддалар экстракциялаш технологик линияси

1. Хом ашёни меъёрда узатиш бункери. 2. Пневмотранспортёр насоси. 3. Пневно-транспорт. 4. Юқори ярусда кириш жойи. 5. Шибер. 6. Экстрактор. 7. Вал. 8. Юритма. 9. Аралаштириш кураги. 10. Ажратиш сеткаси. 11. Центрифуга. 12. Пресс-гранулятор. 13, 14, 22, 23. Насослар. 15, 15¹. Вакуум-буғлатиш аппарати корпуси. 16. Иситиш буғининг кириш штуцери. 17. Конденсат чиқиш штуцери. 18, 18¹. Буғлатиш аппарати сепаратори. 19. Рефрактометр. 20. Конденсатор. 21. Концентрат йиғиш танки. 24. Конденсатчиқаргич. 25.Тройник. 26.Экстрагент сақлаш танки.

Экстракциялаш қурилмаси чанли кўпярусли, материал тўлдирилган кассетали, гидроциклонларда материал ва экстрагентни параллель ва қарама-қарши ҳаракатлантирувчи, карусель турли, лентали конструкцияларга эга.

Экстракт бевосита хом ашёдан олинганлиги сабабли унинг таркибига қаттиқ зарралар ўтади. Субстрат таркибидаги компонентлар экстрагентда эриган ва эримаган фракциялардан иборат бўлиб, эримаган компонентлар гравитацион, марказдан қочма куч майдони ҳамда фильтр ёрдамида ажратиб ташланади. Бунинг учун танкларда чўктириш ёки центрифуга ҳамда сепаратор ёрдамида ажратиш жараёнлари қўлланилади. Керак бўлган ҳолда матоли фильтрда тозаланади, янада тоза фракция керак бўлганда қоғозли, ундан юқори тозалик учун ультрафильтрда ишлов берилади.

Экстрактнинг кимёвий таркиби, тозалик даражаси технологик регламентдаги кўрсаткичларга мос келгандан сўнг вакуум-буғлатиш аппаратида (ВБА) қуюлтирилади. Шунингдек вакуум-буғлатиш ускунасини 3 ёки 4 корпусли, экстракторни 2 ёки 3 та, хом ашё тури 2 ёки 3 хилдан ошганда, ҳар бир ўсимлик ёки иккиламчи хом ашёнинг ўз экстрагенти борлигини инобатга олиб, 2 тадан ортиқ экстрагент сақлаш танкини қўллаб, технологияни такомиллаштириш мумкин.

ХУЛОСА

1. Ўзбекистон Республикасидаги ўсимлик хом ашёси ва иккиламчи маҳсулотларидаги бўёқ моддалар таркиби таснифланди, гулхайри, гибискус, анор пўстлоғи ва уруғи, сумих, лавлаги, райҳон, амарант каби хом ашёларни экстракциялаш жараёни тажриба йўли билан ўрганилди. Экстракция жараёнига гидромодуль, эритмалардаги органик ёки минерал кислота, этил спирти, температура ва вақт таъсири қонуниятлари тавсия этилди.

2. Олинган бўёқ моддалар экстрактларининг кимёвий таркиби ва хоссалари ўрганилди.

3. Райҳон ва ундан олинган бўёқ моддалар экстрактининг миқдори, кимёвий таркиби ва хоссалари тадқиқ этилди. Экстракт ва концентратнинг солиштирма оғирлиги, қуруқ модда миқдорининг ўзгариш динамикасига эфир мойларининг буғланиши, комфора мойининг эритма юзида тўпланиб чиқишининг таъсири миқдорий ўрганилди. Қуритилган райҳон барглари экстракти концентратлари таркибининг Na, Mg, P, Fe ва Cu микроэлемент-лариға бойлиги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги оғир металлар ва токсик элементлар миқдори, масалан қўрғошин (Pb)нинг 5,0 мг/кг, мышьяк (As)нинг 3,0 мг/кг, кадмий (Cd)нинг 1,0 мг/кг –дан, яъни чекланган даражадан ошмаган ҳисобға олганда, инсон организми учун зарарсиз эканлиги аниқланди.

4. Тадқиқотда амарантнинг *Amaranthus cruentus* L. ва *Amaranthaceae* - *Celosia cristata* L. навлари гулларининг қуруқ модда миқдори бошқа навлардагига нисбатан кўплиги аниқланди. *Amaranthus cruentus* L. гуллари таркибидаги табиий бўёқ моддани экстракциялаб олиш учун қўлланилаётган сув-спиртли эритма таркибидаги спирт концентрациясининг ўсиб бориши бўйича ўзгариши динамикаси ўрганилди ва 50%-ли эритма мақбул деб топилди. *Amaranthus cruentus* L. ўсимлиги 6 соат экстракциялаб, сўнгра буғлатиб олинган

концентратидаги бўёқ миқдори максимал кўрсаткичга етди ва 4,7 г/л-ни ташкил этди, углеводлар миқдорини ўртача 17,1-54,5 мг/кг-гача бўлиши кузатилди.

5. Табиий бўёқ модданинг хавфсизлиги таҳлил қилинди. Табиий бўёқ моддалар таркибига ҳам ашёда мавжуд бўлган алколоидлар, оғир металллар ва уларнинг тузлари, айрим пестицид ва гербицидлар, кимёвий корхоналарга яқин ҳудудда жойлашган ҳам ашё етиштириш майдонларида заҳарли ёки инсон соғлиғи учун хавfli моддалар ўтиши мумкинлиги таҳлил қилинди, заҳарли моддалар миқдорини назорат қилиш босқичлари ишлаб чиқилди. Органолептик кўрсаткичлари аниқланди.

6. Ўсимлик бўёқ моддалари экстракти ва концентрати ишлаб чиқариш линиясининг принципиал схемаси таклиф этилди.

7. Амарант гулбаргини қайта ишлаш линиясида ҳам ашёни қуритиш, бўёқ моддаларни экстракциялаб ажратиш, экстрактни механик аралашмалар-дан тозалаш ҳамда юмшоқ режимда қуйилтириш бўлимлари учун ускуналар-нинг турли вариантлари ва ҳисоблаш методикалари ишлаб чиқилди.

8. Ишланманинг иқтисодий самарадорлиги ҳисобланган, унга кўра, қуввати 10 т/сутка -га тенг милицехда йилига 220 млн сўм иқтисодий самара олиш мумкинлиги ҳисобланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc 03/30.12.2019.Т.04.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

УСМОНЖОНОВА ХУЛКАР УМАРКУЛОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ
НАТУРАЛЬНЫХ ПИЩЕВЫХ КРАСИТЕЛЕЙ ИЗ
РАСТИТЕЛЬНОГО СЫРЬЯ**

**02.00.17 - Технология и биотехнология обработки, хранения
и переработки сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высший аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером № В2018.4.PhD/T887.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета по адресу www.tkti.uz и информационно-просветительским портале «Ziynet» www.ziynet.uz.

Научный руководитель:

Додаев Кучкор Одилович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Абдурахимов Саидакбар Абдурахмонович
доктор технических наук, профессор

Мирзарахметова Дилбар Тохтамуратовна
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Бухарский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится «10» 08 2021 г. в «11⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте. (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-20; факс: (+99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz).

Диссертация зарегистрирована в информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № 110 с которым можно ознакомиться в ИРЦ (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-20).

Автореферат диссертации разослан «20» 07 2021 года.
(протокол рассылки № 26 от 20.07 2021 года).



С.М. Турабджанов
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Х.И. Кадилов
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Х.С. Нурмухамедов
Председатель Научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))
Актуальность и востребованность темы диссертации. Потребность в пищевых добавках будет расти в результате развития технологий производства пищевых продуктов во всем мире. Сегодня, красители, добавленные в продукт, предназначены для улучшения цветовых характеристик, повышения привлекательности, привлечения потребителей, причем основную часть из них составляют синтетические и растительные красители. Вместе с тем добавление натуральных красителей улучшение тем самым органолептических характеристик пищевых продуктов, повышение пищевой ценности продукта, получение безопасных и натуральных красителей имеет важное значение

В мире проводятся научные исследования по получению пищевых красителей, богатых витаминами, микро- и макроэлементами и развитию тем самым других родственных отраслей. В этом плане особое внимание уделяется получению пищевых красителей из растительного сырья, улучшению качества производимой продукции, обеспечению пищевой безопасности, повышению биологической ценности и привлекательности.

В пищевой промышленности республики применяются современные технологии хранения и переработки овощей и фруктов, производство экспортно-ориентированной продукции в промышленных масштабах. В стратегии действий дальнейшего развития поставлены задачи «поднятия на новый уровень развития промышленности, глубокая переработка сырья, интенсификация процессов производства готовой продукции, освоение новых технологий и продуктов»². В связи с этим осуществляется оценка количества и эффективности использования сырья, внедрение нововведений в существующие технологии, получение продукции высокого качества, сохранение её природных свойств, эффективное использование натурального сырья, снижение себестоимости готовой продукции. Также проводятся обширные исследования по сокращению, развитию и расширению поставок натуральных красителей на предприятия пищевой промышленности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлениях и указах Президента Республики Узбекистан ПФ-5303 от 16 января 2018 г. «О мерах по дальнейшему обеспечению продовольственной безопасности страны», №ПП4239 от 14 марта 2019 года «О мероприятиях по развитию кооперации сельского хозяйства в плодоовощеводстве», № ПП4406 от 29 июля 2019 года «Глубокая переработка продукции сельского хозяйства, в том числе хранение и переработка плодов и овощей, доведение их потребительских норм до требуемого, наладка производства различных полуфабрикатов, дополнительные меры по дальнейшему развитию пищевого производства», а также задачи, намеченные выполнить в других нормативно-правовых документах.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

